

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020  
йил

Илм-маърифат ва рақамли  
иқтисодийetni ривожлантириш йили

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган

2020-йил 31-март, сешанба 20-21 (9057-9058)-сонлар

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
**ФАРМОНИ**

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдорига бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласинлар.**

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 30 март

### ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА



**"ҒАЛАБА  
БОҒИ"ГА  
ҒОЛИБЛАР  
НОМИ ЁЗИЛСА...**

Иккинчи жаҳон уруши одамлар бошига солган кулфатлар ҳақида ҳар доим ёзишимиз керак. Айниқса, ҳозир, коронавирус касаллиги дунёга хавф солаётган пайтда бундай мақолалар янада муҳим аҳамиятга эга. Ахир, инсоният бирлашган ҳолда энг мудҳиш урушда коронавирусдан хавфлироқ бўлган фашистлар устидан ғалаба қозонди.

(Давоми 2-саҳифада)



### ФАРМОН ЛОЙИҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони лойиҳаси юзасидан ахборот берилди.

Лойиҳа давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ҳужжат пандемиянинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган навбатдаги имтиёзлар, преференциялар ва бошқа муҳим чора-тадбирларни назарда тутди.

Президентимиз фармон лойиҳасига ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотларини кўпайтириш ва нархлари ошишига йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари камайиб кетишининг олдини олиш, уларга қўшимча солиқ имтиёзлари тақдим этиш каби бир қатор аниқ чораларни киритиш зарурлиги ҳақида масъулларга топшириқ берди.

Фармон лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

ЎЗА



# “ҒАЛАБА БОҒИ”ГА ҒОЛИБЛАР НОМИ ЁЗИЛСА...

(Боши 1-саҳифада)

Бугун инсоният ҳамжиҳатликда коронавир пандемиясига қарши курашиш учун оёққа қалқди. Ишончим комил, бирлашган инсоният бу курашда ҳам ғолиб чиқади. Фақат бу ғалаба тезроқ келиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшимиз лозим. Бунинг учун жорий этилган карантин тартиб-қоидаларига ҳар биримиз тўлатқис риоя этишимиз шарт.

Уруш дунёда одамлар сонини оширмайди, фақат одамзод наслини аёвсиз қиради. Уруш бунёдкор эмас, шаҳар-қишлоқларни, ҳатто далаларни вайрон қилади, култепага айлантиради.

Иккинчи жаҳон урушида фашист босқинчилари одамларни таҳқирлаш, уларни мажруҳ қилиш ва қириб ташлашда инсоният тарихида бўлган барча қонхўрлардан, газандалардан ўтиб кетишди. Мен уруш даҳшатларидан азият чеккан Россиянинг Новозибков шаҳри ва унинг атрофидаги Брянск ўрмонида ҳарбий хизматни ўтаганда фашист-



ларнинг халқлар бошига солган кулфатларнинг бир қисмига гувоҳ бўлганман. Мактаб ўқувчилари хонадон эшикларига урушда оила битта одамини йўқотган бўлса, битта юлдузча, агар иккита одамини йўқотган бўлса, иккита юлдузча ўрнатишган... Шаҳар кўчаларини кезганда, юлдузча ўрнатилмаган бирорта эшикни кўрмаганман. Айрим хонадонлар эшигида еттитагача юлдузча бор. Атрофидаги Брянск ўрмонининг ҳар икки юз-беш юз метрида уруш қурбонларига ўрнатилган ёдгорликлар қўйилган. Улардаги лавҳаларни ўқиганда жигарингиз хун бўлади: “Бу ерда фашистлар Брянск партизанларини қийнаб ўлдиришган”, “Бу ерда фашистлар шахримизнинг уч минг меҳнаткашини ваҳшийларча отишган”, “Бу ерда фашистлар қишлоғимизнинг уч юз аёл ва болаларини отишган”, “Бу ерда фашистлар...” деб бошланувчи ёдгорликларнинг сон-саногини йўқ.

Оғир жанглари юртимиздан узоқроқда кечмасин ўзбекистонликлар ҳам Буюк ғалабага беқиёс ҳисса қўшишди. Тарихий маълумотларга кўра Иккинчи жаҳон уруши даврида 1,5 миллион нафар ўзбекистонлик фронтга жунатилган. Агар уруш бошланганда Ўзбекистоннинг аҳолиси 6,5 миллион бўлганини ҳисобга олсак, ҳар тўрт кишидан бир киши, янада аниқроқ айтсак, кучга тўлган эркакларнинг деярли ҳаммаси жанг майдонларига кетган. Улардан 500 миң нафари жанг майдонларида ҳалок бўлган. Яъни, урушга кетганлардан ҳар учтадан биттаси юртимизга қайтмаган.

Урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари тарих саҳифасидан ўчиб кетмади. Йигирма йил олдин пойтахтимизда бунёд қилинган Хотира майдонидаги металл варақли китоблар саҳифаларига Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳар бир ватандошимизнинг исми-шарифлари номма-ном ёзилди. Хотира майдонида шу лавҳаларни ўқиб, кўзда ёш билан тикилиб турган зиёратчиларни кўп кўрганман. Улар лавҳада отаси, бобоси, тоғаси ё амакиси, ҳамшаҳари ё ҳамқишлоғи исми-шарифини ўқиганда ҳар сафар ҳаяжонга тушишади. Кейин уларнинг



Хотира майдонидан қахрамонлик мангу яшар экан, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк ғалабада менинг отам, бобом, тоғам ё амаким, ҳамшаҳарим ё ҳамқишлоғимнинг ҳиссаси бор экан дея ифтихор билан чиқиб кетаётганини ҳам кузатганман. Бундай Хотира майдонлари вилоят марказларида ҳам яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида Буюк ғалабанинг 75 йиллиги шарафига ҒАЛАБА БОҒИ бунёд этиляпти. Бу боғ халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида кўрсатган жасоратини йиллар, асрлар оша жонлантириши билан бир қаторда, ҳар биримизни, авлодларимизни, бутун инсониятни тинчлик кунларининг қадрига етишга ундаб туради.

Ҳарбийларнинг олтин қоидаси шундай: Жангда ҳар бир аскарнинг ўз ўрни бор. Демак, Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларида омон қолиб, Буюк ғалабани кўриш бахтига муяссар бўлган бир миллионга яқин ватандошимизнинг ҳар бири ғалабага ўз ҳиссасини қўшган. Улар қарий тўрт йил давомида машҳур кўшиқда таъкидлангандай:

**Ярим Европада жанг қилдик тун-кун,**

**Олға босдик, шу кун келиши учун.**

**Бу Ғалаба – порох синаган бардош...**

Шукурки, улар юртимизга ғалаба билан қайтишди, қирғинбарот урушда омон қолиб, яқинлари билан дийдор кўришишди. Лекин ўтган 75 йил ичида уларнинг кўпчилиги вафот этишди. Ва лекин ҳеч қачон унутмайлик, Буюк ғалабада ҳар бирининг ўз улуши бор. Шу боис бунёд этилаётган ҒАЛАБА БОҒИда металл варақли китоблар қилиб, уларнинг саҳифаларига урушдан омон қайтган ҳар бир ватандошимизнинг исми-шарифлари зарҳал ҳарфларда ёзилса айни муддао бўларди.

Бу боғни зиёрат қилгани келганлар отаси, бобоси, тоғаси ё амакиси, ҳамшаҳари ё ҳамқишлоғи исми-шарифини ўқиганда қалби ифтихорга тўларди. Буюк ғалабада менинг отам, бобом, тоғам ё

амаким, ҳамшаҳарим ё ҳамқишлоғимнинг ҳам ҳиссаси бор экан, мен уларга муносиб бўлишим, тинчлик кунларини кўз қорачимдай асрашим керак деган эзгу ниятни дилига тугарди. Муҳими, боғдаги лавҳаларда урушдан омон қайтган ватандошларимизнинг исми-шарифларининг бўлиши Буюк ғалабада уларнинг ҳиссаси борлигини ҳар биримизга, бутун инсониятга эслатиб турарди.

Инсоният тарихида энг муҳим уруш бўлган – Иккинчи жаҳон уруши ҳақида қанча ёзсак ҳам оз. Мана 45 йилдирки, Владимир Харитонов шеъри, Давид Тухманов мусиқаси билан Лев Лешченко ижро этадиган “Ғалаба кунини” (“День победы”) кўшиғи инсониятни огоҳликка даъват этиб келмоқда ва бундан кейин ҳам даъват этаверади. Сиз бу машҳур кўшиқни тинглаганда она тилимизда унинг сўзларини дилда такрорланг. Унутманг, бу сўзлар урушдан омон қайтган бир миллионга яқин ватандошларимизнинг дил сўзларидир.

**Ғалаба кун биздан бўлмасин узоқ,**

**Кулда топган чўгдан куч олдик ҳар чоқ.**

**Йўлимизни тўссин ёв, олов, тутун,**

**Олға босдик, шу кун келиши учун.**

**Бу Ғалаба – порох синаган бардош.**

**Бу байрам – соғинчдан оқарган соч-қош.**

**Бу қувонч – кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.**

**Бу – Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

**Бетиним ишлади мартен печлари,**

**Ўтдай ёнди халқнинг ғазаб, ўчлари.**

**Аёвсиз жангларга кирдик уззукун,**

**Олға босдик, шу кун келиши учун.**

**Бу Ғалаба – порох синаган бардош.**

**Бу байрам – соғинчдан оқарган соч-қош.**

**Бу қувонч – кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.**

**Бу – Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

**Салом, она! Қайтдик, эмасмиз расо...**

**Оёқяланг чопсак шудринглар аро.**

**Ярим Европада жанг қилдик тун-кун,**

**Олға босдик, шу кун келиши учун.**

**Бу Ғалаба – порох синаган бардош.**

**Бу байрам – соғинчдан оқарган соч-қош.**

**Бу қувонч – кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.**

**Бу – Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

**Ғалаба кунини!**

Асрор МҮМИН,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист.

ЎЗА



# Павел Числитский – хорижликларнинг ватанга қайтишларини ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирамыз

**Жорий йилнинг 26-27 март кунлари Республика махсус комиссиясининг қарори билан Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида Европага чартер рейслар ташкил қилинди.**



суҳбатлашди.

– Чет эл фуқароларининг ватанларига ўз вақтида етиб боришлари таъминлангани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирамыз, – деди польшалик тадбиркор. – Махсус чартер рейсларнинг ташкил этилиши натижасида 500 дан ортиқ европалик инсонлар соғ-саломат ўз уйларига, оилалари бағрига қайтдилар.

Ўзбекистон расмийларининг хорижий фуқароларни ўз давлатларига қайтарилиши ҳақида хабардор қилиш, ушбу жараёни ташкил қилиш бўйича ҳаракатлари аниқ ва юқори даражада амалга оширилди.

Шу ўринда, таъкидлашни истардим, биз, поляк, немис, француз ва умуман Ўзбекистонда ўз бизнесини юритаётган Европа мамлакатлари фуқаролари Ўзбекистон ҳукуматининг бизга кўрсатган ёрдами, ғамхўрлиги, эътиборини асло унутмаймиз.

Пандемия барча мамлакатлар соғлиқни сақлаш тизимларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун чегараларни ёпиш ва мумкин бўлган барча чораларни кўриш ҳаётий заруратдир. Биз ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистонда қай йўсинда изчиллик билан олиб борилаётганига гувоҳимиз.

Менимча, мамлакат раҳбарияти бошқа давлатлар билан ҳаво ва темир йўл қатновларини тўхтатиш, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларини ёпиш тўғрисида тўғри қарор қабул қилди. Бундан ташқари, вирус тарқалишига қарши курашдаги энг

Ушбу рейслар дунё бўйлаб коронавирус эпидемиясининг шиддат билан тарқалиши туфайли Ўзбекистонда ҳаво қатновининг тўхтатилиши вақтида амалга оширилиб, юзлаб европаликлар ўз ватанларига қайтиш имконига эга бўлди.

“Дунё” АА мужбири махсус рейс йўловчиларидан бири, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган Польшанинг “BUDMEX” қурилиш компанияси директори Павел Числитский билан

муҳим қадам барча оммавий тадбирлар, шу жумладан спорт, маданий ва оилавий тадбирларнинг бекор қилиниши бўлди. Барча давлат идораларида ва нодавлат ташкилотларида учрашувлар масофадан туриб ўтказилмоқда.

Аҳолининг аксарият қисми бундай карантин чоралари зарурлигини тушуниши жуда муҳим. Албатта, мамлакат иқтисодиёти зарар кўрмоқда. Аммо барча нарсдан кўра одамлар саломатлиги муҳимроқдир. Ўзбекистон улкан инсоний, иқтисодий, хомашё ва энергия ресурсларига эга мамлакат сифатида бу каби йўқотишларнинг ўрнини қисқа муддатларда тўлдиролмайди олишига ишонман.

Хитой ва бошқа илғор мамлакатлар тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон тезкор, аниқ ва самарали чораларни ишлаб чиқди. Барча ҳудудлардаги тиббий муассасаларнинг зарур жиҳозлар билан таъминлангани мамлакатда касалликни аниқлаш бўйича тезкор чоралар кўришдаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг эпидемияга қарши кураш бора-сидаги ягона ёндашуви аҳоли ўртасида вақтинча масофани сақлаш тадбирлари ҳам киритилган. Бу хавфли касаллик тарқалишини тўхтатишнинг ягона усулидир.

Ўзбекистонда ишлаётган ёки вақтинча истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари номидан, бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ муаммолар ўз вақтида ҳал этилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига ва дунёга соғлиқ, тинчлик тилаб қоламан.

“Дунё” АА,

Варшава

## ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА...

### Фақат бирлашиш ва катта умид билан олдинга интиломоқ керак

**Аслида ҳаёт синовлардан иборат. Бундай имтиҳонлар эса инсонларни сабрли ва чидамли бўлишга ўргатади.**

Бугун халқимиз бошига тушган коронавирус пандемияси ҳам шундай синовлардан бири. Тарихдан маълумки, аждодларимиз ҳар қандай офатни, балони енгиб ўтган. Биз, Ўзбекистон фуқаролари ушбу коронавирусни енгиб ўтамиз. Чунки куёшнинг тафтида меҳрдан тобланган шу замин инсонлари кучли ва кудратлидир.

Бундай пайтда фақат бирлашиш ва катта умид билан олдинга интиломоқ керак. Албатта, бунда ҳар биримиздан шу балога эҳтиёт бўлиш, санитар-гигиеник қоидаларга амал қилиш ва зарур бўлмаса, кўчага чиқмасликни талаб этилади.

Бироқ мен “Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонаси раҳбари сифатида ҳамюртларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида фаолиятимизни давом эттиришга қарор қилдим. 2013 йилдан буён фаолият кўрсатаётган корхонада 15 нафар ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз, деб топишган хотин-қизлар меҳнат қилади. Қизларимиз 30 турдаги тикувчилик маҳсулотлари, жумладан, Хоразм миллий либослари, униформалар, ётоқ анжомлари, болалар ва катталар кийимларини буюртма асосида тикади.

Ҳозирги кунда оилавий корхонамизда етти

нафар қизимиз ниқоблар тикишга ўтди. Уларнинг айримлари карантин сабаб меҳнат таътилига чиққан. Бу ерда иш ўрганаётган шоғирдларга ҳам вақтинчалик жавоб берилди. Ҳозир қолган қизларимиз билан ишни давом эттироқдамиз. Қизларимиз соғлиғи алоҳида инobatга олиниб, цехимиз кунига икки мартаба дезинфекция қилинмоқда. Албатта, бу пайтда ишчилар бўлмайди. Шунингдек, тикиб ўтирган пайтларида фойдаланиши учун ҳар бир ходимга антисептик воситалар берилган.

Бугунги кунда корхонамизда кунига тикилган 1000-1500 дона тиббий ниқоблар аҳолига арзон нархларда топширилмоқда. Буюртма асосида бир ойда 200 дона махсус кийимлар тикишни режалаштиргандик. Тиббий ниқоблар тикиш билан бир қаторда ушбу буюртмамизни ҳам бажариб келмоқдамиз.

Муҳими, қизларимиз кайфиятлари яхши. Ишига бўлган маъсулият ва муҳаббати сабаб шундай синовли кунларда бирдамлик билан ўз вазифаларини сийқидилдан бажармоқда.

**Фароғат САЪДУЛЛАЕВА,**  
“Урганч миллий тикувчилик”  
оилавий корхонаси раҳбари.  
ЎЗА

Бугунги кунда Қандолатчиликни ривожлантириш уюшмаси таркибида 200 ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда. Улар томонидан 300 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажминини икки баробарга ошириб, 34 миллион долларлик маҳсулот етказишни режалаштирганмиз.

### Қандолат маҳсулотлари аҳоли дастурхонига узлуксиз етказилади

Тошкент вилоятида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг махсус шаҳарчасини ташкил қиламиз. Ушбу лойиҳа учун 500 миллион долларлик инвестиция ажратилади. Шунингдек, 2019 йилда мамлакатимизда қандолатчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича четдан 50 миллион долларлик инвестиция киритилган. Мазкур ташаббус амалга оширилса, нафақат мамлакатимиз, балки кўшни ва Россия, Хитой давлатларига ҳам маҳсулот экспорти кенгайди.

Карантин даврида биз ҳам халқимизга кўмақдош бўлмоқдамиз. Ижтимоий тармоқларда озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари етишмовчилиги, нархларнинг оширилаётгани ҳақида айтилаётган маълумотларга чалғимаслик зарур. Уюшмамиз таркибидаги барча корхоналар томонидан аҳоли истеъмол учун зарур маҳсулотлар ўз вақтида ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг захираси ҳам етарли миқдорда ғамланган.

**Баҳодир УМИРШАЙОВ,**  
Қандолатчиликни ривожлантириш  
уюшмаси раиси.  
ЎЗА



**Миллий автомобиллар савдоси, экспорт-импорт, спорт ҳамда тадбиркорликнинг бошқа йўналишларида самарали фаолият олиб бораётган навоийлик ёш тадбиркор Сардор Гаффоровнинг иштиёқи кўпчиликка ўрناق бўлгулик. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати ва "JIU-JITSU" спорт федерацияси раҳбари Сардорбекнинг фидойилиги, жонкуярлиги бугун алоҳида эътироф этиляпти. Айниқса, унинг хорижий инвесторлар билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари вилоятда инвестицион муҳитни яхшилашда муносиб ҳисса бўлиб қўшиляпти.**

Навоий вилояти



# Хайрли иш ёш танламайд

У "Абдуқодир орзуси" экспорт-импорт компанияси раҳбари сифатида яқинда Грециялик инвесторлар билан Навоий вилоятига инвестиция киритиш ва ҳамкорликда бир қатор тармоқларни ишга тушириш масаласида келишиб олди. Бу каби ҳамкорлик алоқалари Эрон ва АҚШ инвесторлари билан ҳам амалга оширилмоқда. Мақсад эса битта – у ҳам бўлса юртимизга инвестиция киритиб, иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшиш.

Шунингдек, ёш тадбиркор кўшни Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон ҳамда Малайзия давлатлари ўртасида тузилган шартномалар асосида 1 миллион 500 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда экспортни амалга ошириб, вилоятнинг экспорт режа кўрсаткичлари бажарилишига ўзининг салмоқли улушини қўшди.

Айниқса, ўтган йили Қизилтепа туманида Хитой Халқ Республикасида умумий баҳоси 2 миллиард сўмлик олтин гурутни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна олиб келиб, бунинг натижасида 15 нафар кам таъминланган аҳолини иш билан таъминлагани ҳудуд аҳлини мамнун этди.

Бу каби истиқболли ва манфаатли ишлар эса изчиллик билан давом этирилмоқда. Сардор Гаффоров вилоятда энг шижоатли ёш тадбиркор сифатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида, уларга миллий автомобилларни сотиш ва хизмат кўрсатиш борасида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келаяпти.

Навоий шаҳрида ташкил топганига 14 йил бўлган "Навоий-Автосавдо" МЧЖда бир йил раҳбар бўлганига қарамасдан Сардорнинг саъй-ҳаракатлари ва ташкилотчилиги билан ўтган йил давомида миллий автомобиллар савдоси кўрсаткичи бир баробарга ошди. Ишчилар сони эса 22 нафардан 54 нафарга өтди.

– 2018 йил давомида 2075 та автомобил савдоси амалга оширилган бўлса, 2019 йилга келиб бу рақам 4720 тага етказилди, – дейди корхона раҳбари Сардор Гаффоров. – 2006-2017 йиллар давомида "Навоий-Автосавдо" МЧЖ машина сотиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича вилоятнинг энг охириги ўринларидан бирида эди. Бугунги кунга келиб эса вилоят бўйича биринчи, Республика миқёсида эса учинчи ўринни

эгаллади. Бундан ташқари, Навоий, Зарафшон шаҳри ва Қизилтепа туманларида "Навоий-Автосавдо" МЧЖнинг бўлимлари ташкил этилиб, фуқароларга қулайликлар яратилмоқда.

Сардор ёш бўлса-да уддабурон, бугун тадбиркор олдига қўйиладиган талабларни жуда яхши билади ва ҳамиша эл олдига юзи ёруғ бўлиши учун тинимсиз меҳнат қилади, изланади, интилади.

У бир вақтнинг ўзида



Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қабулхонасининг Навоий вилоятидаги Тадбиркорларнинг Жамоатчилиги Кенгаши раиси ҳам ҳисобланади.

Албатта, бу катта ишонч ҳамиша Сардорни янги мақсадлар ва залворли одимлар сари етакламоқда. У тадбиркорлар билан ўтказилаётган мулоқот ва давра суҳбатларида соҳадаги ютуқлар билан бирга учраётган айрим муаммолар хусусида ҳам мулоҳазалар юритиб, уларнинг ечими юзасидан ўз тақлифларини билдирмоқда. Ҳамкасбларига муаммоларни бартараф этишда астойдил кўмаклашмоқда.

Сардорнинг ташаббускорлиги ва халқ билан мулоқот қилишдаги фаоллиги унинг Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати сифатида кайнашишда мустақкам замин яратди.

Депутатликнинг ўтган қисқа муддати давомида маҳалла ва ҳамкор ташкилотлар билан учрашувлар ташкил этиб, фуқароларнинг муаммоларини

ўрганиш ва ижобий ҳал этишда ташаббускор бўлиб келмоқда.

У ўзи сайланган Навоий шаҳридаги Ватан маҳалласи фуқаролари ва депутат ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида телеграмм канали ва мулоқот учун махсус телефон рақамини ташкил қилди. Бу эса депутатнинг халқ ишончини оқлашида биринчи ва самарали қадам бўлмоқда.

Сардор халқ вакили сифатида яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда 20 нафарга яқин ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлади. Энг эътиборлиси, уларнинг аксарияти "Навоийавтосавдо" МЧЖга ишга қабул қилинди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари билан бўлиб ўтган учрашувда ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс сифатида вояга етишини таъминлаш, қолаверса, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қи-

зиқишини кучайтириш бўйича ўз тақлифларини билдириб, болажонларга китоблар жамланмасини совға қилди.

Сардор Гаффоров доимий равишда ўзи сайланган ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг муаммоларини ечишда яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Хайрли ва эзгу ишлар ҳамиша инсонни улуглайди. Бу саховатли одимлар Сардорни ҳамиша юксакларга кўтариб, сайловчиларнинг миннатдорлигини таъминламоқда.

Спорт – соғлиқ гарови. Ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб камолга етиши мамлакатимиз эртанги кунининг мустақкам пойдеворидир. Зеро, бугун юртимизда спортни, хусусан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса спорт турларининг оммалашшига, ёшларни қизиқишини оширишга туртки бўляпти. Айниқса, спорт билан шуғулланувчи ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзлар салмоғи янада юқори.

Юртимизда спортга берилган эътибор туфайли кўпгина яққакураш турлари бизга ҳам кириб келди. Улардан бири "JIU-JITSU" ҳисобланиб, 2017 йилда "JIU-JITSU" федерацияси ташкил этилди. 2018 йилга келиб Навоий вилоятида ушбу спорт федерациясига Сардор Гаффоров раис этиб тайинланди.

Сардорнинг бевосита

спортга бўлган қизиқиши унинг мазкур спорт турини ривожлантиришга бўлган иштиёқини янада оширди. Натижада ёш спортчиларнинг ютуқлари салмоғи ҳам анча юксалди.

Хусусан, ўтган йили мазкур спорт тури бўйича Қозғистон Республикасининг Нурсултон шаҳрида ўтказилган "GRAND PRIX" турнирида вилоят ёшлари иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Ёш спортчи Достон Сиддиқов, Малика Исмамова, Диёрбек Исмамов 2-ўринни, Азиза Хонтемирова эса 3-ўринни забт этиб, мамлакатимиз байроғини юқори кўтарди.

Эътироф этиш жоизки, республикамиз миқёсида "JIU-JITSU" спорт тури бўйича ўтказилган кўплаб спорт мусобақаларида вилоят ёшлари Федерация раиси кўмағида совринли ўринларни эгаллаб қайтмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрининг универсал спорт саройида "JIU-JITSU" спорт тури бўйича катталар ўртасида ўтказилган "Ўзбекистон Кубоғи"да Сардор Гаффоров ҳомийлигида вилоятдан иштирок этган спортчи ёшлар - Сабрина Қўлдощева, Азиза Хонтемирова, Малика Исмамова ва Рамиш Юлдошевлар фахрли 1-ўринни, Умида Нормуродова 2-ўринни, Дилшоджон Аҳроров эса 3-ўринни эгаллаб, медаллар шодаси билан қайтишди.

Албатта, қилинган ҳар бир хайрли иш ўзининг ижобий натижасини беради. Бу ютуқлар Сардорнинг Федерация ишини ривожлантириш йўлидаги барча эзгу ҳаракатлари мевасидир.

Янги гоё ва янги мақсадлар сари дадил қадам ташлаган Сардорнинг фаолияти бугун кўпчиликка ибрат. Натижа ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмайд. Тадбиркорлик ҳам пухта билим ва машаққатли меҳнат талаб қилади. Зеро, илм билан қилинган ҳар бир иш хайрли бўлади. Сардорнинг энг катта орзуси эса халқнинг ишончини қозониш, юрт қорига яраш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўлиши.

Эришилаётган ютуқлар, самарали фаолият, жамоадаги ахиллик ва ҳамжиҳатлик эса ёш тадбиркорнинг орзулари рўёбга чиқаётганидан далолатдир.

Отабек АСЛОНОВ,  
"Qishloq hayoti" муҳбири.



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан жорий йилда Сурхондарё вилоятида ингичка толали ғўза навларини илмий асосланган ҳолда 40 минг гектар майдонда, Қашқадарё вилоятида 6500 гектар, Бухоро вилоятида 5000 гектар ва Навоий вилоятида 1000 гектар майдонда экиш режалаштирилган.**



# Ингичка толали ғўза навлари унинг афзаллиги нимада?

Ингичка толали ғўза навлари биологик хусусиятларига кўра, ўрта толали ғўза навларига нисбатан табиий экстремал шароитларга, сувсизликка, гармселга ва бошқа табиий нукулайликларга бардошли ҳисобланади. Нима учун деганда, ингичка толали ғўза навлари морфобиологик жиҳатдан ўрта толали ғўза навларига қараганда, пояснинг тўқланганлиги, барг пластинкасининг қалинлиги, зараркунандаларга бардошлилиги билан ҳам ажралиб туради. Маълумотларга қараганда, тезпишар, ўртатолали ғўза навларини экишда биринчи кўсакнинг очилиши учун, вегетация даврида 1730-1750 °C, ўртача ҳаво ҳарорати талаб қилинса, ўрта толали, ўртапишар ғўза навларининг биринчи кўсаги очилиши учун 1850-1880 °C ўртача самарали ҳаво ҳарорати йиғиндиси керак экан, ўртатолали, кечпишар навларнинг биринчи кўсаги очилиши учун 1950-1970 °C ўртача ҳаво ҳароратининг йиғиндиси кераклиги таъкидланган.

Булар билан бир қаторда, ингичка толали, тезпишар ғўза навларининг биринчи кўсагининг очилиши учун тажрибалар кўрсатишича, 2030-2050 °C ҳаво ҳарорати йиғиндиси кераклиги аниқланган, ингичка толали ўртапишар ғўза навларининг биринчи кўсаги очилиши учун 2120-2200 °C ўртача ҳаво ҳарорати йиғиндиси бўлганда ингичка толали ғўза навларини етиштириш мумкинлиги исботланган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ғўзанинг фақат ўрта толали навлари экилиб, ингичка толали ғўза навларини етиштириш мумкинлиги исботланган. Мамлакатимизда ғўзанинг фақат ўрта толали навлари экилиб, ингичка толали ғўза навлари эса деярли етиштирилмай келинганлиги боис, янги ресурстамкор агротадбирлар ўрта толали

ғўза навларида ўрганиб келинган. Шунинг учун бугунги кунда янги ингичка толали ғўза навларини яратиш ва парваришlash учун махсус илмий агротадбирларни ишлаб чиқиш пахтачиликдаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, кейинги йилларда Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида амал дав-

жанубий минтақалари пахтачилиги келажаги учун муҳим стратегик чора-тадбирлардан биридир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, селекционер олимлар томонидан Сурхондарё вилояти шароитида ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг воҳадаги гармселга бардошлилиги ўрганилганда ҳосил элементларининг тўкилиши ўрта толали

**Эртапишар ингичка толали ғўза навлари сувга нисбатан талабчан бўлиб 4-6 чинбарг пайдо бўлганда суғориш ишлари бошланади. Суғоришни кечиктириш ҳосил меваларининг юқори даражада тўкилишга олиб келади. Суғориш оралиқлари 12-16 кундан ошмаслиги керак. Суғориш меъёрлари биринчи суғоришда 600-800 м<sup>3</sup>/га, кейингиларида 800-1200 м<sup>3</sup>/га етиши лозим.**

рида ҳароратнинг кескин кўтарилиши, шунингдек, гармселнинг кўп бўлиши туфайли ушбу вилоятларда экилиб келинаётган ўрта толали ғўза навлари ҳосил элементларининг тўкилишига олиб келмоқда. Ингичка толали ғўза навлари эса биологик хусусиятларига кўра ўрта толали ғўза навларига нисбатан табиий экстремал шароитларга, жумладан, сувсизликка, гармселга ва бошқа табиий нукулайликларга бардошли ҳисобланади. Шунингдек, улар морфобиологик жиҳатдан ўрта толали ғўза навларидан фарқланади. Яъни, пояснинг тўқилганлиги, баргпластинкасининг қалинлиги ва бошқа хусусиятлари уларнинг зараркунандаларга бардошли эканлигини кўрсатади. Бу айниқса, кейинги йилларда жанубий минтақаларда, ғўзанинг беда қандаласи каби ўта хавфли ҳашаротлар зарарларидан сақланишида кўп келмоқда. Бу эса мамлакатимиз

ғўза навларида 75 фоизни, ингичка толали ғўза навларида эса 35 фоизни ташкил этиши аниқланган. Ўз-ўзидан ингичка толали ғўзалар ўрта толалиларга нисбатан воҳа иқлимга мос келиши исботланган. Ундан ташқари, Сурхондарё ва бошқа жанубий вилоятларда сув ресурсларининг чекланганлиги ва ҳаво ҳароратининг нисбатан кўтарилишини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, ушбу вилоятларда ипак пахтаи етиштириш мамлакатимиз учун иқтисодий томондан ҳам мақсадга мувофиқдир. Жорий йилда Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида истиқболли ингичка толали ғўза навларини (Сурхон-14, Сурхон-16, Сурхон-103, Термиз-202) парваришlashда тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб навларнинг морфобиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерни ва чигитни экишга тайёрлаш, экиш, яганалаш, қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш, суғориш, чилпиш, зараркунандаларга қарши кураш, дефолиация ва пахта ҳосилини териб олиш каби агротехник тадбирларни илмий асосланган тавсиялар асосида ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ғўза навларининг морфологик ва биологик хусусиятларини ва вилоятларнинг турли тупроқ иқлим шароитларини инобатга олиб, ғўза навларини парваришlashда асосий эътиборни авсияномаларга амал қилган ҳолда ўтказиш талаб этилади.

Эртапишар ингичка толали ғўза навлари сувга нисбатан талабчан бўлиб 4-6 чинбарг пайдо бўлганда суғориш ишлари бошланади. Суғоришни кечиктириш ҳосил меваларининг юқори даражада тўкилишга олиб келади. Суғориш оралиқлари 12-16 кундан ошмаслиги керак. Суғориш меъёрлари биринчи суғоришда 600-800 м<sup>3</sup>/га, кейингиларида 800-1200 м<sup>3</sup>/га етиши лозим.

Тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳар гектардан белгиланган пахта ҳосилини етиштириш учун минерал ўғитларнинг қуйидаги миқдори тавсия этилади:

26-30 ц пахта ҳосили учун N-200, K<sub>2</sub>-100 кг меъёрда қўллаш, фосфор ва калийли ўғитлар агрохимёкартограммалар асосида берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ингичка толали ғўза навларининг хусусиятидан келиб чиқиб, эртапишар навларни шохланишига асосан 16-18 ҳосил шохи пайдо бўлганда мутахассислар тавсия этган.

Ғўза вегетация даврида ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш, бор имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Сирасини айтганда, илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш мўл ҳосил етиштириш ва улкан хирмон яратиш имконини бермоқда.

**Ренат НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган қишлоқ  
хўжалик ходими, қишлоқ  
хўжалиги фанлари доктори.



Навоий ВИЛОЯТИ

# Сифатли хизмат – самарали фаолият мезони


Сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори транспорт хизмати кўрсатиш, миллий автомобилсозлик йўналиши ҳам юқори босқичга кўтарилди.



монидан 2019 йил 1 октябрдан TRADE-IN дастури йўлга қўйилди. Бунда фойдаланишда бўлган автомобил эгалари ўз автомобилларини автосалонга олиб келиб баҳолатиб, янги автомобилга алмаштириб кетиш имкониятига эга бўлдилар.

Шунингдек, “NAVOIY-AVTOSAVDO” масъулияти чекланган жамияти томонидан таъмирталаб транспорт воситаларига кўчма хизмат кўрсатиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

— Ҳайдовчи йўлда таъмирга муҳтож бўлиб қолган машинасини созлатиш мақсадида Жамиятимизга мурожаат этса, ажратилган махсус “Дамас” автомашинаси орқали хизмат кўрсатувчи усталар белгиланган ҳудудга етиб боради ва мижознинг мурожаатини қаноатлантиради. Уяли телефон воситалари орқали қилинган буюртмалар натижасида бир йил давомида 200 дан зиёд транспорт воситаларига хизмат кўрсатилди. Айти пайтда бу хизмат тури асосан Навоий шаҳри ва Кармана тумани ҳудудида амалга оширилмоқда, — дейди “NAVOIY-AVTOSAVDO” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сардор Ғаффоров. — Бу хизмат тури кўпчиликка бирдек манзур бўлаёпти. Шу боис, бу фаолият турини бошқа ҳудудларда



транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатилди.

Хусусан, хизмат кўрсатувчи мутахассислар томонидан 2018 йилда 746,1 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар ўрнатиб берилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 1133,2 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 151,9 фоиз ўсишни ташкил этди.

Энг эътиборлиси, жамият аҳил жамоаси томонидан бундан бир йил олдин 10-15 та юридик шахсларга хизмат кўрсатилган бўлса, улар сони бугунги кунга келиб 150 тага етди.

Натижада 40 та янги иш ўрни

Автомобил – жамият ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган восита саналади. Шахсий автомобил эса узокни яқин, оғирни енгил қилиш, маиший ишларни бажариш, маданий дам олиш масканларига ва оилавий саёҳатларга чиқиш, хизмат сафарига бориш каби тадбирларни амалга оширишда энг яқин ва беминнат кўмакчидир.

Бу йўналишда UzAuto-Motors АЖнинг Навоий вилоятидаги расмий диллери ҳисобланган “NAVOIY-AVTOSAVDO” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Жамиятнинг асосий фаолияти компания томонидан ишлаб чиқариладиган янги енгил автомобилларни сотиш, сотувдан кейинги кафолатли ва мунтазам техник хизмат кўрсатиш ҳамда эҳтиёт қисмларни харидорларга етказишдан иборат.

Бугунги кунда Жамият томонидан юридик ва жисмоний шахсларга малакали техник хизмат

турлари кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, “Автомобилнинг юриш қисмини таъмирлаш”, “Двигател қисмини таъмирлаш”, “Кузов қисмини таъмирлаш”, “Диагностика ва дастурлаш”, “Балансировка ва развал хизмати”, “Вулканизация хизмати”, “Авто электрик хизмати”, “Ўриндиқларга қоплама ва полик тикиш хизмати”, “Токарлик хизмати” ҳамда “Автомобилларни ювиш хизматлари”дан мижозлар мамнун бўлмоқда.

Шунингдек, Жамиятнинг эҳтиёт қисмлар омбори ва дўконида General Motors компанияси томонидан ишлаб чиқарилган оригинал эҳтиёт қисмлар мавжудлиги, таъмирталаб техникаларни кафолатли таъмирлашда янада қўл келаяпти.

Бир йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган ёш тадбиркор Сардор Ғаффоров саъйи-ҳаракатлари билан корхонада барча кўрсаткичлар қарийб бир баробарга ошди.

Жамият томонидан бир йил давомида жами 3 мингтага яқин



яратилиб, уларда асосан ёшлар бандлиги таъминланди. Айти пайтда умумий ходимлар сони 54 нафарни ташкил этмоқда.

Хизмат кўрсатиш бўлимида фаолият кўрсатиб келаётган усталарнинг касбий малакаларини мунтазам ошириб бориш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.


Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида, UzAutoMotors АЖ то-

ҳам қўллашни режалаштирганмиз. Корхонамизда янги фаолият турларини йўлга қўйиш устида ҳам тинимсиз изланишдамиз. Хусусан, машина ювиш шахобчаси, эҳтиёт қисмлар сотиш савдо дўкони ва бошқалар шулар жумласидандир. Мақсадимиз, аҳолига ҳар томонлама сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш.

Оттабек АСЛОНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.



Ёввойи ғозларнинг бир тури — оққушлар эрта баҳорда биринчилардан бўлиб жанубдан овоз чиқариб, ғағиллаб юртимизга кириб келишади. Уларнинг шовқин-сурони ва табиатнинг уйғониши баҳор ўз ҳукмини ўтказаетганлигидан дарак беради. Қанотли дўстларимизни поёнсиз кенг далалар қарши олади. Бир қисми эса бошқа ҳудудлардаги дарё қирғоқлари ва дашту биёбонлар томон йўл олишади.



# Оққушлар



Обиҳаёт қушлар учун ҳам тириклик ва ҳаётий заруриятдир. Мавжланиб турган Қоравултепа сув омбори ва Сангзор дарёси қирғоқларини қалин камиш ва тўқайзор эгаллаган. Бу хилват жойларни макон қилган оққушлар шитоб билан тез-тез сувга шўнғийдилар. Кейин офтобда исиниб олгач, оёқ ва тумшукларини тозалаб яна ҳавога кўтарилишади. Қанотларининг кучига ишониб, озуқа илинжида шомга кадар тиним билмай елиб-югуришади. Асосий озуқаси турли ҳашарот ва ўт-ўланлардан иборат.

Оққушларда урчиш қизик кечади. Нар қуш жуфтини бир дам ҳам кўздан қочирмай ёнидаги турдошларига қиё боқмайди. Мабодо жуфтлик адашиб бир-бирларидан ажраб қолишгудек бўлишса, баланд овозда ғағиллаб ҳар томонга талпинишгани талпинишган.

Садоқат бобида улар бошқа турдаги қушларга ибрат бўлса арзийди.

Янги наслни дунёга келтириш учун оққушлар кўп заҳмат чекиб уяларини одамлар қадами етмайдиган хилват жойларга қўйишади. Оққуш макиёни мавсум давомида бор-йўғи икки ёки учта бола очади. Полапонларини вояга етказиш учун тиним билмайди.

Ривоят қилишларича, анча йиллар илгари илиқ баҳор кунларининг бирида йигит дашту биёбонларни кезаркан, узун арғимчок ҳосил қилиб, қаторга тизилишиб учаётган оққушларга кўзи тушади. Кейин ҳавза бўйларига яқинлашиб, бирин-кетин пастлай бошлагач, йигит шошганидан уларни мўлжалга ола бошлайди. Жониворлар чўчиб юқорига кўтарилишганида уларнинг бири қирғоққа кулаб тушади. Кутилмаганда тўдадаги қушларнинг бири ажралиб, чамаси йигирма метр-

лар баландга кўтарилиб ўзини жуфти ёнига ташлайди ва жон беради. Овчи йигит эса қўлда ўқлоглик милтиғини ушлаганича беихтиёр жон таслим қилган жониворнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тикилиб қолади. Оққушлар галаси ҳамон тепада айланиб нари кетмас ва ғағиллашини бас қилишмасди. Шунда йигитнинг юраги эзилиб, виждони қийналганиданми ўзини айбдор ҳис эта бошлайди.

Кейин овини чала қолдириб, ортига қайтишга тараддуд кўра бошлайди. Йигит тоғу тошлар оша йўлда кетаркан кексаларнинг: “Оққушлар муқаддас саналади, уларни нобуд қилиш увол. Паррандаларнинг ҳам деви бўлади” деган гаплари ёдига тушиб, ўйланиб қолади. Шу-шу овчи йигит дарё ва ҳавза бўйларига ов қилгани бошқа йўламайдиган бўлибди.

Субҳидамда турли қушларнинг куйлаши теварак-атрофга янада жозиба бағишлайди. Ҳар тонг куёш бўй кўрсатгач, камалакдек товланиб ёрқинроқ жилваланадиган оққушларнинг чаққнок кўзлари ички сезги туйғулари билан уйғунлашиб, мақсад сари аниқ ҳаракат қилишади. Авлодини боқиш учун кун-бўйи тиним билмай канот қоқиб, ҳафсала ва чидам билан озуқа ахтаришади.

“Қизил китоб”га киритилган ноёб оққушларларнинг сони сўнғи йилларда камайиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Негаки, беозор жониворлар жанубдан юртимизга кириб келгунларича кўп талафотларга учрайдилар. Илиқ ҳаво оқимисиз йўлда узоқ муддат уча олишмайди. Совуққа ҳам бардошсиз қушдир. Уларнинг хотиржам ҳаёт кечирешларига халал берувчи нопок кимсалар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Ўғринча ов қилувчилардан энг кам иш ҳақининг юз баравари микдориди жарима ундириш қонунда кўрсатилган бўлишига қарамай бундай ҳолатлар бор, бу ҳолат барҳам топмаганлиги таассуфлидир...





# JOHN DEERE

# MONOSEM



"Monosem" kompaniyasi paxta, moш, makkaжухори va соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 va 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар va гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+ (998) 90 325 49 99

+ (998) 93 181 11 66

+ (998) 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.



# ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» VA «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул va пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

## Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик va идоралар.

Бош муҳаррир  
**Чори ЛАТИПОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Жамшид ХУЖАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Акташ ХАЙТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Раимқул СУЯРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.  
Хатлар va жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.  
Факс – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама va эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04.  
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот va ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғоз бичими А-3.

**Манзилими:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди va дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди. 5 131 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.45

ISSN 2010-7021

